



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 21 август, № 168 (8791)

Чоршанба Сайтига Ушш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
20 август куни «Air Products» компанияси президенти ва
бош ижрочи директори Сейфи Гасемини қабул қилди.



Ўзбекистонда юқори технологик саноят корхоналарини ташкил этишга фаол сармоя киритаётган етакчи халқаро компаниялардан бири билан ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.
Бугунги кунда мамлакатимизда

«Air Products» билан қўшма лойиҳалар портфели 2,5 миллиард доллардан ошди.
Углеводородларни чуқур қайта ишлаш ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида илғор технологик ечим-

ларни жорий этиш, шунингдек, энергетика ва кимё тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
19-20 август кунлари Қорақалпоғистонда бўлди.

Нукус шаҳрида 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг тadbirkorлар билан навбатдаги очик мулоқоти бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда анъанага айланган бу мулоқот соҳадаги тизимли муаммоларни ҳал этиш, тақлифларни муҳокама қилиш ва янги қўлайликлар яратиши билан ишбилармонлар кутадиغان тadbirkorларга айланди.

Бу йил очик мулоқот мунтазам давом этди, дейиш мумкин. Президентдан бошлаб Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, Савдо-саноят палатаси раҳбари, Бизнес омбудсман тadbirkor билан доимий мулоқотда бўлди.

Тасдиқланган режадан ташқари тadbirkorлар кўтарган 700 дан ортиқ масала, ташаббус ва янги лойиҳалар қўллаб-қувватланди, 8 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Саноят, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожини, тadbirkorлик инфратузилмаси учун яна 18 триллион сўм йўналтирилди. Энг муҳими, маҳалладаги кичик лойиҳадан тортиб мегалойиҳагача қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Илгари кредит, бозор топши, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз «текшир-текширлар» сабабли 60 фоиз янги тadbirkorлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидеёқ тўхтаб қолар эди. Бугунга келиб уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етган. Яна 100 мингдан зиёд шундай яқка тартибдаги тadbirkorлар бор. Бу йилнинг ўзидеёқ тadbirkorларнинг товар айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 25 фоиз кўпайиб, 986 триллион сўмга етди. Йиллик айланмаси

10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар 2 қарра кўпайди. Айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошди. Бу ҳам — ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар кўп.

Солиқ, банк, молия, бутун иқтисодий комплексни маҳаллабай ва мижозбай ишлаётгани натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 минг корхона ярим йилда 6,5 триллион сўм фойдага чиқди. Бугунги кунда 100 дан зиёд ишчиси бор корхоналар 3 мингтага яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайди. Хусусий секторда 5 миллион сўмдан кўп маош оладиган ишчилар 1 миллиондан ошди. Шундан 370 минги 10 миллион сўмдан зиёд ойлик маош олади. Булар тadbirkorлар «соядан чиқиб», қонуний фаолият, соғлом рақобат йўлига ўтаётганидан далолат беради.

Яна бир мисол. Тadbirkorлик рейтингиде «А» ва «Б» — яхши тоифага кирувчи корхоналар 91 мингга кўпайган, яна 170 минг корхона энг паст — «Д» тоифадан чиқарилди. Бунинг ҳисобига солиқ текширувлари ўтган йилдагига нисбатан 2 қарра қисқарган. Лекин шу даврда йирик солиқ тўловчилар тушумлари 10 фоизга, вилоят даражасидаги корхоналарда 25 фоизга, туман тadbirkorлари тўлаётган солиқлар 40 фоизга ўсган. Бу солиқчиларнинг иш услуби ўзгарбеггани, бизнес қилиш эркинлашгани натижасидир.

Қўшни давлатлар билан алоқалар мисли кўрилмаган даражага чиқди. Ўзбекистон маҳаллий корхоналар учун ҳам, чет эл компаниялари учун ҳам катта бозорга, минтақадаги саноят хабиға айланди. Яқинда мам-

лакатимиз ялғи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг ўтган олти ойида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция хажми ўтган йилдагига нисбатан 2 қарра ўсиб, 14 миллиард долларга етди. Бундай рақамлар 33 йиллик тарихимизда бўлмаган.

— Буларнинг барчаси саккиз йил олдин ўзаро ишонч асосида бошланган ислохотларимиз, тadbirkorлар билан елкама-елка туриб, доим мулоқотда бўлиб ишлаганимиз натижаси. Ҳали имкониятларимиз бундан бир неча қарра кўп. Энг муҳими, уларни ишга солишга қодир бўлган сиздек ватанпарвар ва жонқуяр тadbirkorларимиз бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бешта йўналишда янги ташаббусларни айтиб ўтди.

Биринчи йўналиш — кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш.

Авалло, энди кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади. Микрокредитлар миқдори 3 қарра оширилиб, 300 миллион сўмга етказилади. Бунда кредитнинг 100 миллион сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди.

Иккинчидан, микромолия хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давом эттирилади. Уларга жорий йилдаги 1,6 триллион сўмга қўшимча 1 триллион сўм ресурс ажратилади. Бундан ташқари «Микрокредитбанк» ҳам ўзининг микромолия ташкилотлари орқали йил якунигача яна 1 триллион сўм жалб қилади. **3**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Қадри ватандошлар, ҳурматли тadbirkorлар, анжуман иштирокчилари!

Ўтган йилги учрашувимизда навбатдаги очик мулоқотни Нукус шаҳрида ўтказиш ҳақида келишиб олган эдик. Бугун Ватанимизнинг шимолий дарвозаси бўлган Қорақалпоғистонда сизлар билан дийдор кўриши турганидан гоят хурсандман.

Кеча бу ерда янги-янги корхоналар, таълим ва тиббиёт масканлари, маҳалладаги ўзгаришлар билан танишдим. Бугун мамлакатимизда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларни Қорақалпоғистон мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун қандай таҳликали ва мураккаб замонда яшаётганимизни барчамиз кўриб турибмиз. Шунга қарамастан, иқтисодийимиз барқарор ўсиб борапти. Бунинг дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар етакчилари эътироф этмоқда. Яқинда Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимиз ялғи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошганини тасдиқлади.

Ислохотларимизнинг биринчи кунлириданок сиз ҳурматли тadbirkorлар билан елкама-елка туриб, доим мулоқотда бўлиб биргалликда ишламаганимизда, бундай натижа бўлармиди? Йўқ, албатта.

Шундай юксак амалга эришишда илғор технологиялар асосида замонавий корхоналар очётган, юз минглаб янги иш ўринларини яратётган ва дунё бозорларига жадал кириб бораётган сиз азму шижоатли тadbirkorларнинг хиссангиз беқийс эканини халқимиз яхши билади.

Ривожланган давлатларда ўз бизнесини йўлга қўйган, катта-катта натижалари билан юртимиз номини чет элликларга танитаётган қўллаб-қувватлаш зарур. Бугунги учрашувимизда ҳам 40 нафардан зиёд ана шундай ватанпарвар, ишбилармон бизнес вакилларини кўриб, хурсанд бўлдим.

Кунга кунга илғор бизнес вакилларидан 37 нафарини орден ва медаллар билан, 104 нафарини «Фаол тadbirkor» кўкрак нишони билан тақдирладик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимизнинг мана шундай юксак мукофотларига сазовор бўлган барча тadbirkorларимизни чин дилдан табриқлайман!

Барча-барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун ўз номиндан, бугун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман!

Сизлар янгилик яратишдан, ташаббус кўрсатишдан чарчаманглар. Сизларни

қўллаб-қувватлашга, янада қўлай шароитлар яратиб беришга мен доим тайёрман!

Ҳурматли тadbirkorлар!
Бу сафарги очик мулоқотимиз йил мобайнида давом этди, десак тўғри бўлади. Президентдан бошлаб Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, Савдо-саноят палатаси, Бизнес омбудсман — барча-барча раҳбарлар йил бўйи тadbirkor билан доимий мулоқотда бўлди.

Тасдиқланган режадан ташқари, тadbirkorлар кўтарган 700 дан ортиқ масала, ташаббус ва янги лойиҳалар қўллаб-қувватланди, 8 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Саноят, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожини, тadbirkorлик инфратузилмаси учун яна 18 триллион сўм йўналтирилди. Энг муҳими — маҳалладаги микролоиҳадан тортиб, мегалойиҳагача қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Берилаётган имкониятлар ҳисобига нима ўзгарди? Мана бу рақамларга эътибор беринг.

Илгари кредит, бозор топши, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз «текшир-текширлар» сабабли 60 фоиз янги тadbirkorлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидеёқ тўхтаб қолар эди.

Ҳозир-чи? Бугунга келиб, уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингтага етди. Яна 100 мингдан зиёд шундай яқка тартибдаги тadbirkorлар бор.

Бу йилнинг ўзидеёқ тadbirkorларнинг товар айланмаси ўтган йилга нисбатан 25 фоизга кўпайиб, 986 триллион сўмга етди. Йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошди. Бу ҳам — ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўп бўлди.

Солиқ, банк, молия, бутун иқтисодий комплексини маҳаллабай ва мижозбай ишлашга ўргатганимиз натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 минг корхона ярим йилда 6,5 триллион сўм фойдага чиқди.

Бугунги кунда 100 тадан ортиқ ишчиси бор корхоналар 3 мингтага яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайди. Ушбу корхоналардаги ишчилар сони 1,7 миллионга етди.

Хусусий секторда 5 миллион сўмдан кўп маош оладиган ишчилар 1 миллиондан ошди.

Шундан 370 минги 10 миллион сўмдан зиёд ойлик олади.

Булар нимадан далолат беради? Тadbirkorларимиз «соядан» ишлашдан кўра, қонуний фаолият, соғлом рақобатни манфаатли, деб билапти.

Бошқа бир мисол. Тadbirkorлик рейтингиде «А» ва «Б» — яхши тоифага кирувчи корхоналар 91 мингга кўпайди, яна 170 минг корхона «Д» — энг ёмон тоифадан чиқарилди.

Бунинг ҳисобига, солиқ текширувлари ўтган йилга нисбатан 2 қарра — 85 мингтадан 48 мингтага, жумладан, камерал текширувлар 3 қарра — 38 мингтадан 12 мингтага қисқарди. Шу даврда йирик солиқ тўловчилар тушумлари 10 фоизга, вилоят даражасидаги корхоналарда 25 фоизга, туман тadbirkorлари тўлаётган солиқлар 40 фоизга ўсди.

Нима учун бу рақамларни айтяпман?

Чунки «текширса — кўрқади, кўрқса — солиқ тўлайди», деган қараш билан иш юрмаслигини ҳамма, айниқса, солиқчилар тушуниб етди. Содда қилиб айтганда, мансабдорларни тadbirkor билан «сиз» деб гапилашишга ўргатиб, бизнес муҳитини яхшилаш бўйича туб бурилиш ясадик.

Олти ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция хажми ўтган йилга нисбатан 2 қарра ўсиб, 14 миллиард долларга етди. Бу — инвесторларнинг Ўзбекистонда бизнес қилишга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Азиз юртдошлар!

Ҳозир айтилган рақамларнинг бирортаси 33 йиллик тарихимизда бўлмаган. Буларнинг барчаси саккиз йил олдин сизлар билан ўзаро ишонч асосида бошланган ислохотларимизнинг илк нишонаси!

Ҳали имкониятларимиз бундан қарра-қарра кўп. Энг муҳими, уларни ишга солишга қодир бўлган сизлардек ватанпарвар ва жонқуяр тadbirkorларимиз бор.

Аҳолимиз сони 38 миллионга яқинлашиб борапти, уларнинг даромади ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз мисли кўрилмаган даражага чиқди. Мамлакатимиз маҳаллий корхоналар учун ҳам, чет эл компаниялари учун ҳам катта бозорга, минтақадаги саноят хабиға айланди улгурди.

Ҳозирги мураккаб шароитда барча давлатлар ўз юртидаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни устувор йўналиш сифатида кўрапти. Биз ҳам рақобатбардос маҳсулот-

лар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича тadbirkorларимизни янада кенг қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун ҳам тadbirkorлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббуслар билан ўртоқлашаман.

Биринчи йўналиш — кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш.

Ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги тизим жорий қилдик. Бу борада Бизнесни ривожлантириш банки ва Тadbirkorликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тadbirkorларга ўртача 100 миллион сўмдан жами 3,5 триллион сўм микрокредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, «Бизнесга биринчи қадам» дастури бўйича тadbirkorликни энди бошлаётган 115 минг аҳолига 1 триллион сўмлик микроқарзлар берилди.

Ушбу тажриба ўз самарасини кўрсатди ва бунга янада кенгайтираман.

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади.

Масалан, 100 миллион сўмгача микрокредит бор-йўғи 9 фоиз тadbirkorларнинг эҳтиёжи учун етарли эканлиги маълум бўлди. Шу боис, микрокредитлар миқдори 3 қарра оширилиб, 300 миллион сўмга етказилади. Бунда кредитнинг 100 миллион сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди. Бу мақсадга бир йилда 10 триллион сўм берилди.

Энди Тadbirkorлик компаниясининг филиали ҳар бир вилоятда ташкил қилинади. Компания ва унинг филиаллари ҳудудларда салохияти бор тadbirkorларни аниқлайди. Компания кафилилар яхши кредит тарихи ва юқори барқарорлик рейтингига эга тadbirkorларга берилади.

Энди тadbirkorларнинг банкдаги 200 миллион сўмгача бўлган маблағлари кафолатланади. Бу — давлат тadbirkorлар ҳисоб рақамиде 7 триллион сўм маблағ билан боғлиқ хавф-хатарларни ўз зиммасига олади, дегани.

Иккинчидан, хабарингиз бор, микромолия бозори учун йўл очиб берилди. Масалан, ўтган етти ойда 91 та микромолия ташкилоти 6,6 триллион сўмлик молиявий хизматлар кўрсатди ва йил якунигача бу рақам 12 триллион сўмга етказилади.

Биз микромолия хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни давом эттира-

миз. Уларга жорий йилдаги 1,6 триллион сўмга қўшимча 1 триллион сўм ресурс ажратилади.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» ҳам ўзининг микромолия ташкилотлари орқали йил якунигача яна 1 триллион сўм жалб қилади.

Шу билан бирга, устав капитали камида 50 миллиард сўм бўлган микромолия банкларини ташкил этишга рухсат берилади. Ушбу банклар кредит портфелининг камида 70 фоизи кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга йўналтирилади. Микромолия банклари тadbirkorга 5 миллиард сўмгача кредит беради.

Улар аҳолидан 200 миллион сўмгача омонат жалб қилиши мумкин бўлади. Шунингдек, микромолия ташкилотлари учун қўшимча имкониятлар яратилади. Бу ташкилотлар томонидан тadbirkorларга хорижий валютада хизмат кўрсатиш ва лицензия асосида тўлов ташкилоти сифатида фаолият юритишга рухсат берилади.

Учинчидан, ҳозир кўп экспортчилар йирик хорижий савдо тармоқларига 3-4 ой кечиктириб тўлаш шарти билан маҳсулот етказиб берапти. Узлуксиз ишлаб чиқариш учун корхоналарда айланма маблағга эҳтиёж ошяпти. Лекин ҳамма тadbirkorда ҳам янги кредит олиш, унинг учун гаров топиш имконияти йўқ.

Бунда тadbirkorдан гаров талаб қилмайдиган энг қўлай восита, бу — факторинг. Экспортчилар ҳозир валютада факторинг олиш учун чет эл банклари хизматидан фойдаланиб келаётганидан хабарим бор.

Халқаро молия корпорацияси маълумотларига кўра мамлакатимизда 10 миллиард долларлик факторинг хизматиға талаб бор. Ҳозир бу хизматни фақат банклар, микромолия ташкилотлари кўрсатяпти. Шунинг учун ўтган йили атиги 578 миллиард сўмлик факторинг хизмати кўрсатилган.

Ўтган ҳафта факторинг бозорини ривожлантириш бўйича Фармон имзоладим. Бундан буён банк бўлмаган янги институт — факторинг ташкилоти учун йўл очилади.

Улар хорижий валютада ҳам хизмат кўрсатиши мумкин бўлади. Бу жараёнда қатнашадиган банк, микромолия, факторинг ташкилоти ва тadbirkorлар фойдаланадиган алоҳида электрон платформа ишга туширилади. Яъни тadbirkor ундан ўзига қўлай молиявий маҳсулотни танлаш имкониятиға эға бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН ОЧИК МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умуман, факторингнинг омаллаштириш ҳисобидан тадбиркорларга айланма учун 20 триллион сўм, экспортчи корхоналарга 1 миллиард доллар қўшимча молиявий ресурслар пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ўтказилган сўровда тадбиркорларнинг 38 фоизи ислом молияси асосида ресурс олиш истagini билдирган. Ўтган ойда микромолия ташкилотларига исломий шартлар асосида хизмат кўрсатишга рухсат берилди.

Ҳозир янги қонун лойиҳаси тайёр бўлди. Парламентимиз аъзоларидан лойиҳани тез муддатда кўриб чиқишларини сўраймиз. Ундан кейин, ислом молияси билан банклар ҳам ишлаши мумкин бўлади.

Бундай янги молиявий хизматлар тақдим этилиши кўп инвесторлар кириб келиши ва 5 миллиард долларлик қўшимча ресурс пайдо бўлишига туртки беради.

Бешинчидан, 9 та давлат банки берган кредитнинг 92 триллион сўми ёки 30 фоиз 10 та йирик давлат корхонасига тўғри келади.

Биз йирик корхоналарни трансформация қилаймиз. Уларни молия бозорларига мустақил чиқиб, ўзи маблаг жалб қилишга ўргатаймиз. Масалан, “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти 1 миллиард доллардан ортиқ евробондларни чиқарди. Навоий кон-металлургия комбинати ҳам четдан ўзи ана шундай маблаг олиб келишга тайёргарлик кўрпаяпти.

Энди давлат жалб қилган маблағларни йирик корхоналарга бериш амалиётидан босқичма-босқич воз кечамиз. Бундай маблағларни бериш икки йил ичида камида 40 фоизга қисқаради. Банклар бунинг ҳисобидан камида 30 триллион сўмини хусусий бизнесга йўналтиради.

Иккинчи йўналиш — бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш.

Очик мулоқот доирасида келиб тушган 11 мингга муножаатдан 2 минггаси ер ва инфратузилма билан боғлиқ. Жойларда ўтказилган сўровда ҳам 55 фоиз тадбиркор электр энергияси, газ таъминотида, тармоққа уланishiда муаммо борлигини айтган.

Биласизларми, мамлакатимиздаги 44 миллион 800 минг гектар ернинг бозор қиймати ҳисобланса, аҳоли ва тадбиркорларда қанчадан-қанча “иктисодий актив” пайдо бўлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ва мулкка ёндашувларимиз бутунлай ўзгарди, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Лекин ердан инвестиция сифатида фойдаланиш тизими ҳали орқда. Хусусан, Тошкент шаҳри туманлари ва Бухоро вилоятида бу масала тадбиркорлар, туман ҳокимлари билан кўп муҳокама қилинди. Ҳозир бу масаланинг ечимларини айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, ер бозори шаклланиши таъсирида янги инвестиция лойиҳаларида ер сотиб олиш харажатлари кескин ошяпти. Инфратузилма йўқ жойларда ҳам 1 гектар ернинг бошланғич нархи 500 — 600 миллион сўм, саноат учун қулай ҳудудларда 4-5 миллиард сўмга чиқиб кетди. Тадбиркор ерга бунча катта харажат қилганидан кейин қурилиш, техника ва ускунага маблаг етмай қоляпти.

Энди тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда, унга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бекор қилинади.

Айрим ҳудудларда аукционда олинган ер учун тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш (2 йилдан 7 йилгача) тизимини жорий қилган эдик. Эндиликда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида сотилган ер бўйича харид суммасини уч йилгача, қолган ҳудудларда беш йилгача, 4- ва 5-тоифа туманлар учун эса ўн йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Келгусида тадбиркорлар дарҳол тўлов қиламан деса, бунинг учун 20 фоизгача chegirma берилди. Бундай тартиб бино ва иншоотларни хусусийлаштириш жараёнида қўлланилмоқда.

Шунингдек, йирик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ер қийматини тадбиркор устас фондига давлат улуши сифатида киритиш мумкин бўлади. Тадбиркор истаган пайтда бу улушни ўзи сотиб олиши мумкин. Бу орқали шу йилнинг ўзида тадбиркорлар ихтиёрида 3 триллион сўм қолади.

Иккинчидан, қанча-қанча тадбиркорлар ери йўқлиги учун янги лойиҳаларни амалга ошира олмаёпти. Аксинча, “аукциондан сотиб олдим, энди менинг мулким” деб, ерни қаровсиз ташлаб қўйган “уддабуронлар” ҳам кўп.

Ер — энг чекланган ресурсимиз ва у доим иктисодий наф келтириши керак. Шу боис янги ерларни ажратишда биноларни лойиҳалашдан объектни топширишгача бўлган муддатлар мажбурий кўрсатилади.

Бунда қурилиш даврида ер солиғи бўйича 50 фоиз имтиёз берилди (вилоят марказларидан ташқари), қурилишга рухсат олиш муддати давлат органи айби билан ўтказиб юборилса, қурилиш вақти шу муддатга узайтириб берилди. Қурилиш ишлари муддатида бўлмаса, ер суд орқали қайтариб олинади ёки бошқа тадбиркорга сотилади.

Учинчидан, қишлоқ ва ноқишлоқ жойларда ер фонди доирасида бир фаолиятдан бошқасига ўзгартириш тартиби аниқ белгиланмаган. Масалан, бог ўрнида иссиқхона ташкил қиламан деган тадбиркор ишни нимадан бошлашни, кимга муножаат қилишни билмайди. Ёки тадбиркор ўзининг боғида томчилатиб сугориш учун ҳовуз, кичик сифимли саралаш ва сақлаш омборини қура олмайд.

Шу боис ҳар бир ер участкаси учун асосий фаолият турини қайсиларига амаллаштириш мумкинлиги, қандай ёрдамчи иншоотларни жойлаштири олиши аниқ белгилаб берилди.

Бунинг учун 1 январдан ер участкалари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификатори жорий этилади.

Мана шу янгилик ҳисобидан тадбиркорлар бир йилда ўз ерига 800 миллиард сўмлик инвестиция қиларилади.

Булардан ташқари, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик соҳалари, мева-сабзавотни қайта ишловчиларга улар жойлашган бино-иншоотлар остидаги ерлар учун саноат тоифаси ставкасида ер солиғи ҳисобланапти. Қишлоқ хўжалиги ерлари учун гектарига ўртача 500 минг сўм, саноат ерлари учун ҳудудига қараб 27 миллион сўмдан 44 миллион сўмгача солиқ ҳисобланамоқда. Классификаторни жорий қилиш орқали улар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари каби солиқ тўлашга ўтади.

Бу орқали нафақат муножаат қилган 795 та тадбиркорнинг, балки барча 103 минг қишлоқ хўжалиги корхоналарининг масаласи ҳал бўлади.

Тўртинчидан, барча саноат корхоналари электр ва газ бўйича ўрнатилган лимит ошиб кетса, тўлов 2 қарра кўп ундирилади-гандан норози бўляпти.

Саноатимизнинг ўсишига таъсир қиладиган бундай чекловлар қисқартирилади. Энди электр ва газ истеъмолли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам, базавий тариф сақланиб қолади. Агар истеъмол 20 фоиздан ўтиб кетса, ошган қисмига тўлов 20 фоиз кимматлашади.

Тадбиркорлик рейтингига “юқори”, “ўрта” тоифадаги корхоналарга электр учун олдиндан тўловни бир ойда иккига бўлиб тўлашга рухсат берилди.

Бюджетдан, кредит тўловидан ва бошқа хизматлар бўйича қарзи бор тадбиркорларнинг ҳисоб рақамига “инкассо” қўйилгани учун улар электр, газ ва сув учун тўлов қила олмаёпти. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш тўхта-маса, қарздорлик тезроқ узилади.

Энди “инкассо” қўйилган тақдирда ҳам коммунал хизматлар учун тўловлар тўхатилмайди.

Учинчи йўналиш — ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.

Жорий йилнинг етти ойида экспортимиз 13 фоизга ўсиб, 10 миллиард доллардан ошди, аввал экспорт қилмаган 1 минг 610 та корхона ташқи бозорларга чиқди. Бундай корхоналар сони 6 мингдан ошди. Биз маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишини қўллаб-қувватлашни изчил давом эттираемиз.

Биринчидан, Жаҳон савдо ташкилотига 2026 йилда аъзо бўлиш учун катта қадамларни қўяймиз. Ушбу ташкилотга кириш — чуқур ўйланган ва узокни қўзлаган танлов, қолаверса, ислохотларимизнинг ажралмас бир қисми.

Лекин айримлар бунга шубҳа билан қараёпти, бошқалар “корхоналар синади, импорт босиб кетади” деган хавотир билан юрибди. Бир нарсани тушуниш зарур, бу борада импорт божлари ишлайди. Шунинг учун ташкилот аъзолари билан музокаралар ўтказилмади. Ҳозиргача Япония, Корея Республикаси, Туркия, Бразилия каби 17 та аъзо давлатлар билан келишувга эришилган.

Эртанги кунимиз — бу тенг рақобат муҳити ва экспортга қаратилган саноат ва савдо сойёсати. Иқтисодийимизга олдинлаш протекция қайсидир маънода керак эди. Яна шу йўлда давом этсак, имкониятларимиз чекланиб қолади. Чунки халқаро ишлаб чиқариш занжирларига қўшилмасак, иқтисодий ўсиш биз кутгандек бўлмайди.

Биргина мисол, ён қўшилларимизнинг йиллик импорти 90 миллиард доллар. Улардаги улушимиз эса атиги 4 фоиз ёки 3,5 миллиард долларни ташкил қилади.

Яна бир мисол, МДҲ доирасида эркин савдо режимини ўрнатганмиз, ҳамдўстликка кирмаган давлатлар эса 10 фоиздан 20 фоизгача божхона бож тўлайди. Лекин МДҲдаги 500 миллиард долларлик импортда бизнинг ҳиссамиз 2 фоизга ҳам бормайди.

Демак, рақобат борадида биз ҳали анча ишлашимиз зарур.

Бу борада катта ислохот бошлаб, икки ой олдин алоҳида Фармонни имзоладим. Металлургия, кимё, энергетика ва телекоммуникация тармоғида эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинди. Мисол учун, энди барча тенг шариоатда қора ва рангли металл ломини сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

Корпоратив харидларда ишлаб чиқариш учун олиннадиган маҳсулотларга ҳам нарх устуворлиги бекор қилинади, бунда албатта маҳсулот таннархи пасади.

Бундан буён ҳеч кимда алоҳида ҳуқуқ бўлмайди, хоҳ давлатнинг стратегик корхонаси бўлсин, хоҳ хусусий корхона ёки хорижий инвестор бўлсин, иқтисодийётда барча тенг шариоатда ишлайди.

Бундан ташқари, ташкилотга аъзолик халқаро транзит юк ташишда ортиқча тўлов ёки чекловлардан халос қилади. Албатта, бу — рақобатдош бўлишимизга яна бир туртки беради.

Умуман, маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, ташқи бозорларда муносиб ўрин топиш учун халқаро стандартларга ўзатиш керак. Оддий мисол, пестицидлар назоратини йўлга қўймас эканмиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортни 2030 йилгача 10 миллиард долларга етказиш бўйича белгиланган маррамизга эриша олмаймиз.

Етиштираётган маҳсулотларимиз, бу йилги пиёз ва тарвузга ўхшаб, бозорини тополмасдан нобуд бўлаверади.

Шу боис бу йил озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича қонунни қабул қиламиз. Бу орқали карантин, ветеринария, санитария назорати ва стандарт ташкилотларининг тақдорловчи ваколатлари қисқаради, тадбиркорларни қайта-қайта текширишга чек қўйлади.

Тариф ва нотариф чораларни жаҳон савдоси талаблари асосида тартибга солиш бўйича Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев бошчилигидаги идораларро комиссияга вақтинчалик ваколат берилди. Бунда тадбиркорлар номидан Савдо-саноат палатаси аниқ масала қўядиган тизим яратилади.

Иккинчидан, ўтган йилги учрашувимиздан кейин 309 та корхонага 280 миллион доллар экспортолди кредитлари ажратилди. Ушбу корхоналар ҳозиргача 625 миллион долларлик экспорт қилди. Бу рақамни йил якунигача яна икки қарра ошириш бўйича ҳисоб-китоб қилинган.

Очик мулоқотга тайёргарлик доирасида яна 122 та экспортчини 145 миллион долларлик айланма маблагга эҳтиёжи борлиги аниқланди. Шу боис тармоқларни ривожлантириш учун ажратилган маблагдан 200 миллион доллар экспорт олди молиялаш учун йўналтирилади. Шундан 50 миллион доллар банк кредитлари учун қабилиҳа берилди.

Бу маблаглар ҳисобидан бир йил ичида қўшимча 1 миллиард долларлик экспорт амалга оширилади.

Учинчидан, ҳозирги геосийёсий жараён-да Европага аънъавий транспорт маршрутлари бўйича юк ташиш чекланди. Транзит давлатлар ўз ташувчисини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонга берилаётган руҳсатномалар сонини 3 баробаргача камайтирди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, транспорт корхоналарида 28 та давлат бўйича 20 мингдан ортиқ руҳсатномалар ишлатилмасдан турибди. Транспорт вазири И. Маҳкамовга бир ой муддатда руҳсатномалардан фойдаланиш бўйича очик-ошкоро тизимини яратиш топширилди.

Бунда “Е-логистика” платформаси ишга туширилади, экспортчилар учун қайси корхонада қанча руҳсатнома борлигини кўриш, тўғридан-тўғри шартнома тузиш имкони яратилади.

Тўртинчидан, импорт ўрнини босадиган ва экспортбол маҳсулотларни кўпайтириш учун замонавий технологиялар зарур.

Бундай асбоб-ускуналарга бюуртма бериб, олиб келишга кўп вақт кетиши табиий. Лекин амалдаги тартиб бўйича шартнома муддатидан қатъи назар, сотиб олинган ускуна 180 кунда етиб келмаса, муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келади.

Тўғри, бундай ҳолатларда жарима қўллаш амалиётини бекор қилганмиз. Лекин тадбиркорлар ускуна келмагунча бошқа импорт шартномаларига тўловни амалга ошира олмайд, олдиндан тўловсиз экспорт қилиши мумкин эмас, давлат томонидан белгиланган имтиёз ва субсидиялардан фойдаланиши чекланган. Ҳозирда 2 мингдан зиёд корхонада шундай муаммо бор.

Ж. Ходжаев, Ж. Қўқоров, М. Нурмуратов шуни эътиборга олсинки, энди четдан ускуна ва бутловчи қисм олиб келиш жараёнида шартнома муддати бузилмаса, муддати ўтган қарздорлик юзага келмайди.

Кўп тадбиркорлар экспорт бўйича қўшимча қиймат солиғини қайтаришда ортиқча тўсиқ борлигини айтаяпти. Солиқ ва божхона хизматларининг ахборот тизимлари бири-бирига уланган бўлса-да, экспортни тасдиқлайдиган ҳужжат талаб этиляпти.

Бундан буён божхона органининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти қўшимча қиймат солиғини қайтариш учун асос бўлади, бошқа ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Ж. Қўқоров, Ш. Қудбиев, А. Мавлонов бир ой муддатда ушбу тизим тўлиқ ишга туширилиши учун шахсан масъул бўлади.

Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ускуналари ва бутловчи қисмлари олиб келинганда сертификат олиш учун уч ой вақт кетаяпти. Сабаби, ҳудудларда синовларни тўлиқ қамраб оладиган лабораториялар йўқ. Ҳамма пойтахтга келишга мажбур.

Наманганлик ишлаб чиқарувчилар бу борада тўғри масалани кўтаряпти.

Бош вазир А. Арпиров бу масалани шахсан ўзи назоратга олиб, йил якунига қадар

Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида синов лабораториялари ташкил этилишини таъминлайди.

Яна бир масала — ҳозир тадбиркорлар электрон ҳисоб-фактура ва товар-транспорт юк хатини алоҳида 2 та ҳужжат сифатида расмийлаштиряпти. Тадбиркор юк хатига 49 та маълумотни мажбурий киритиши керак.

Ҳамма соҳага рақамлаштириш кириб келган бир пайтда бундай амалиётнинг нима кераги бор?

Энди, бу ҳужжатлар ягона шаклга келтирилади ва фақат 4 та маълумот киритишнинг ўзи етарли бўлади.

Бешинчидан, экспортни кескин ошириш учун янги бозорларга кўпроқ кириб боришимиз керак. Сўровларда 30 — 40 фоиз корхоналаримиз қайси маҳсулотга ташқи бозорда талаб юқори, қандай стандарт керак, деган саволларга жавоб топишга қийналишини айтган.

Ташқи бозорда маҳсулотларимиз тури кўпайишига, экспортчи корхоналаримиз янги бозорларга кириб боришига хизмат қиладиган тизим ташкил этилади. Бу борада чет элда бизнес қилиб, катта тажриба орттирган ватандошларимиз билан экспортчи корхоналаримизни боғласак, ўйлайманки, бу ҳам катта самара беради.

Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев, Савдо-саноат палатаси бундай ватандошларимиз билан ёқиндан ишлаб, уларни ўзлари савдо ва инвестиция бўйича маслаҳатчи сифатида жалб этади.

Ташқи ишлар вазири Б. Саидов ҳам ҳар ойда ана шундай юртдошларимиз билан мулоқот қилиб, уларнинг тақлиф, ташаббус ва лойиҳаларига кўмаклашади.

Бу йўналишда бир йилдан кейин сарҳисоб қиламиз. Натияжага қараб, бу борада энг фол бўлган ватандошларимизни мукофотлаймиз.

Олтинчидан, йилга 250 триллион сўмликдан зиёд давлат харидлари амалга оширилмоқда. Шу боис давлат харидларида “маҳаллий контент” талабларини жорий қилиш вақти келди. Ҳозир 70 минг маҳаллий ишлаб чиқарувчидан 4 мингтаси (6 фоиз) кооперация порталида рўйхатдан ўтган ҳолос.

Келгуси йилги давлат инвестиция дастуридаги ҳар бир лойиҳа бўйича маҳаллий маҳсулотлар улуши қанча бўлиши аниқ белгиланади. Давлат харидида энди маҳаллий маҳсулот улушини ошириш рағбатлантирилади. Жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, металлургия, темир йўл каби тармоқлардаги йирик корхоналар 2-3 йиллик бюуртмаларини кооперация порталига олдиндан жойлаштирилади.

Маҳаллий корхоналар эса ушбу бюуртмалар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Уларнинг лойиҳаларига дастлабки босқичда 100 миллион доллар йўналтирилади.

Еттинчидан, сўнгги йилларда энергетика соҳасини ислоҳ қилиб, хусусий секторга кенг йўл очиб бердик. Бу орқали 3,5 миллиард долларлик хусусий шериклик лойиҳалари ишга туширилди ва яна 31,5 миллиард долларлик 50 та лойиҳа бўйича ишлар жадал давом этапти.

Ҳудудий электр тармоқларининг бошқарувини ҳам хусусий секторга бериш бўйича бир йил тайёргарлик кўрдик.

Энди, мана шу жараёнларда ҳам амалий босқичга ўтадим. Хусусан, жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд вилоятидаги электр тармоқларига хусусий оператор жалб қилиш бўйича тендер эълон қилинади. Тендерда голиб бўлган инвестор 900 минг истеъмолчига хизмат кўрсатиш билан бирга, эскирган тармоқ ва подстанцияларни янгилаб, йўқотишларни камайтириш ҳисобига даромад олади. Бунда, аҳоли ва тадбиркорлар учун белгиланган тарифлар ўзгармайди.

Келгуси йил Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам худди шундай ишлар амалга оширилади.

Саккизинчидан, ер ости бойлиқларини ўзлаштиришга тадбиркорларни кенг жалб этиб, ишлаб чиқаришни кўпайтиришимиз керак.

Шу йилнинг ўзидаёқ, 150 тадан ортиқ кон ва майдонлар тадбиркорларга сотилди. Йил якунигача яна 300 та кон ва майдонлар тадбиркорларга тақлиф қилинади. Қурилишда кум-шағалга эҳтиёжини қоплаш мақсадида 110 миллион куб метр захирага эга 172 та кон ҳам тадбиркорлик учун ажратилади.

Тўртинчи йўналиш — хизматлар соҳасига янги туртки бериш.

Ўзбекистонда банд аҳолининг 52 фоизи хизматлар соҳасида ишляпти. Ишлаб турган корхоналарнинг 68 фоизи (264 мингтаси) ҳам хизматлар соҳасига тўғри келади. Лекин соҳада банд бўлганларнинг атиги 4 фоизи юқори қўшилган қиймат берадиган йўналишда фаолият кўрпаяпти.

Шу боис хизматларда, аввало, IT соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Етти йил олдин дярли йўқ жойдан бошланган бу соҳа бугун 1 миллиард долларлик экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлди.

Аҳоли ва тадбиркорлар учун электрон тўлов қилиш осонлашганини кўриб турибсиз. Бу ишларни изчил давом эттириб, ҳар бир ҳудудда экспортга йўналтирилган IT-парклар ташкил қилинди.

Энди барча соҳада сунъий интеллект технологиялари кенг жорий қилинади. Масалан, сунъий интеллект орқали дрондан фойдаланиб, қурилишда харажатларни 20 фоизга тежаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса сунъий интеллект орқали ҳосилдорлик 10 — 15 фоизга, ўғит ва ёқилғи самарадорлиги 40 фоизга ошади.

Бу йўналишда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун барча шариоатлар яратилади. IT-паркда сунъий интеллект маркази очилади. Лойиҳаларни молиялаштириш учун 50 миллион доллар ажратилади.

Иккинчидан, тадбиркорликнинг дастлабки босқичида — стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш экотизими яратилади. Бу тизим биз учун янги тажриба бўляпти. Жорий йил стартапларга илк бор 134 миллион доллар инвестиция кириб келди.

Бу соҳада фаолиятини “нолдан” бошлаб, айланмасини 10 миллион доллардан оширган 50 дан зиёд маҳаллий компания пайдо бўлди.

Бундай лойиҳаларни кўпайтиришимиз керак. Шу боис стартапларни “оёққа турғазини” учун венчур жамғармалар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг учун IT-парк ҳам 10 миллион долларлик жамғарма ташкил қилади.

Шунингдек, стартапнинг хориждан олиб келган ҳар 1 доллар инвестициясига давлат ҳам 1 доллар ресурс беради. Стартап ишланмаларини патентлаш ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш каби харажатларни давлат қоплаб беради.

Умуман, бу соҳага 50 миллион доллар йўналтириб, ўқитиш тизимини ташкил қиламиз, хорижий мутахассисларни ҳам олиб келамиз.

Учинчидан, маҳаллийлаштиришда фақат товарлар эмас, хизматлар бўйича ҳам катта имкониятлар бор. Масалан, энергетика соҳасида 36 миллиард долларлик 27 гига-ватт электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга ошириляпти.

Бу каби объектлардаги юқори технология ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш бўйича малакали хизматларга талаб йилдан-йилга ортапти. Бундай хизматлар импорти бу йил 2 баробар ошиб, 100 миллион долларга етади. Кимё, металлургия корхоналари, насос станциялари ва ГЭСлар, тўқимачилик ва тиббиётда ҳам бундай хизматларга талаб катта.

Шу боис бир йил ичида 3 минг маҳаллий мутахассисни Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Туркиядаги ишлаб чиқарувчи компанияларга мала

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРҚОРЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Тадбирқорлар таклиф берса, давлат идоралари кўрсатаётган бошқа хизматларни ҳам хусусий секторга беришга тайёрмиз.

Бешинчи йўналиш — бизнес учун тўсиқ ва ғовларни янада қисқартириш.

Биз сўнгги йилларда тадбирқорлик йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича катта ислохотларни амалга оширдик. Лекин тадбирқорларимиз ҳалигача айрим муаммолар сақланиб қолаётганини билдирган.

Биринчидан, тадбирқорлик фаолиятини тўхтатишга асос бўладиган қонун бузилиши ҳолатлари даражаси белгиланмаган. Оқибатда арзиман камчиликлар билан ҳам тадбирқорлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳолатлари кузатиляпти.

Шу боис 1 ноябрга қадар аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий ҳавф солувчи мезонлар реестри ишлаб чиқиладди. Огоҳлантириб айтаман, реестрда йўқ мезон бўйича тадбирқор фаолиятини тўхтатган мансабдор жавобгарликка тортилади.

Иккинчидан, тадбирқорларни жиноий жавобгарликка тортиш янада либераллашади.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, деган жиноят тури бор. Бунда тадбирқорнинг тўламаган солиги 100 миллион сўмдан (базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари) ошса, жиноятчи бўлиб қолмакда. Лекин тадбирқорларга имкон берилса, бу суммани бемалол тўлай олади, бунинг учун уларни ойлаб тергов қилиш шарт эмас.

Шу боис солиқ тўламаганлик учун тадбирқорга жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган миқдорни 2 бараваргача оширишни таклиф қиламан. Ўйлайманки, тадбирқорларимиз ушбу берилаётган енгилликни, билдирилаётган ишончни суистеъмол қилмайдилар.

Учинчидан, кредит олди-бердисида банк

ҳам, тадбирқор ҳам таваккал қилади. Лекин амалиётда банкнинг ҳуқуқ ва ваколатлари тадбирқорга нисбатан анча кўпроқ. Масалан, кредит вақтида қайтарилмаса, гаровга қўйилган мулкни банк шартнома тузилган пайтдаги қийматида сотувга чиқаради.

Ўзингиз ўйланг, 3-4 йил олдин кредит олинганда 100 миллион сўмга баҳоланган мулкни бугунги нархи 30 — 40 фоиз қимматлашса, уни қандай қилиб, эски қийматида сотиш мумкин?

Ўтган 6 ойда банклар 1,3 триллион сўмга баҳоланган мингдан зиёд гаровдаги мол-мулкларни аукционга чиқарган.

Ёки кредитнинг катта қисмини қайтарган тадбирқор у ёки бу муаммога дуч келиб, қолган қарзини тўлай олмай қолса ҳам, гаровга олинган мулк тўлиқ савдога чиқариб юборилаяпти. Ўтган йили жами қарздорлик суммаси 1,5 миллиард сўм бўлган 22 та ҳолатда ундирув 35 миллиард сўмлик гаровдаги мулкка қаратилган.

Айтмасангиз ҳам кўзингиздан кўриб турибман, бу кўпчилик тадбирқорларни узоқ йиллар қийнаб келаётган муаммо.

Тўғри, муаммолар кредитлар билан жиддий шугулланиш керак. Лекин бу тадбирқорни "туғатиш" ҳисобидан бўлмастали зарур.

Сайхунбод, Ўйчи, Зарбдор, Гиждувон, Юнусобод туманлари мисолида банклар мижозбай ишлаб, қийинчиликка учраган тадбирқорларга кўмак бериш бўйича етарли тажриба орттирди. Бунга давом эттириб, банкларнинг ўз мижози билан ишлаш тизимини янада яхшилашимиз.

Энди гаровдаги мулкни савдога чиқаришдан олдин, унинг ҳозирги бозор қиймати аниқланади, қайтмаган қарздорлик гаров қийматининг 15 фоиздан кам бўлса, ундирув мулкка қаратилмайди. Банк мижозига қарзни бошқа манба ҳисобидан қоплашга имкон беради.

Ушбу ташаббусларни тез кунларда қонун билан мустаҳкамлаб қўямиз. Ўйлайманки, бу таклифлар сизларга маъқул.

Тўртинчидан, "снослар" бўйича компенсация тўлашда ҳалигача муаммолар бор. Ҳозирда ушбу ҳаражатлар вилоят бюджети ҳисобидан қопланаяпти. Лекин айрим вилоятлар бюджетидан маблағ кам қолаётгани учун тадбирқорнинг пулини қоплаб бериш 5-6 йилга қўзилиб кетаяпти.

Юқорида ерни аукционга чиқариш бўйича янги ташаббуслар ҳақида айтдим. Энди ерни сотишдан тушган маблағлар, аввало, "снос" бўйича тадбирқорлардан қарзни сўндиришга қаратилади.

Азиз юртдошлар! Жаҳондаги вазиятни кўриб турибсиз. Анъанавий бозорларни сақлаб қолиш, янгиликларга кириб бориш, бунинг учун логистика маршрутларини диверсификация қилиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Нима учун бу йилги очиқ мулоқотни айнан Қорақалпоғистонда ўтказаямиз? Чунки Қорақалпоғистонга инвестиция киритиб, бизнес қилишни бошқа ҳудудларга нисбатан 3 та устунлиги бор.

Биринчиси — Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудга йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети жорий этилган.

Иккинчиси — Қорақалпоғистонда ер ажратишнинг содда тизими жорий этилган.

Учинчиси — катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудудимиз, бу — Қорақалпоғистон. Бугунги очиқ мулоқотимиз Жўқорғи Кенгес райиси А. Оринбоев, Вазирлар Кенгаши райиси Ф. Эрмонов, шаҳар ва туман ҳокимлари учун янги-янги лойиҳаларни бошлаш учун катта имконият.

Қорақалпоғистонлик тадбирқорлар келган меҳмонларни бир-икки кун олиб қолиб, бу ердаги шaroитларни кўрсатса, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликда таклиф-

лар ишлаб чиқса, барчасини қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Очиқ мулоқотимиз якуни бўйича ўн кун муддатда "Қорақалпоғистонда бизнес қилинг" дастурини қабул қиламиз.

Ўйлайманки, бу дастурда нафақат марказий студияда ўтирган 300 га яқин тадбирқорларимиз, балки ҳудудлардаги студиялардан қатнашаётган минглаб бизнес вакиллари ҳам фаол иштирок этади.

Бунинг учун биз Қорақалпоғистонга яна қўшимча шароитлар яратиб берамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Мана, ҳамма масалаларни очиқ гаплашиб, ечимларини ҳам келишиб олдик.

Бугун мен сўзга чиққан тадбирқор ва ишбилармонларнинг фикрларини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Сизларнинг "Жаноб Президент, шунча шароит яратиб бериаясиз, биз ҳам янги-янги иш ўринлари яратиб, одамларни даромадли қилишга, камбағалликни қисқартиришга қаттиқ бел боғлаймиз", деган гапларингиз мени қувонтирди.

Бунинг учун барчангизга чин қалбимдан раҳмат айтаман.

Сизларнинг шарофатингиз билан минглаб одамлар ишли, даромадли бўлади, оила қуриш, уй-жойли бўлиш, болаларини тарбиялаш, ўқитиш имконига эга бўлади. Иш, даромади бор одам эса ҳеч қачон ёмон йўлга қирмайди, бузғунчи ишларга қўл урмайди.

Шу маънода, тадбирқорлар қатори уларнинг ишчилари ҳам юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барқарорликдан энг кўп манфаатдор бўлади. Ватан тинчлиги, мамлакат тараққиётини жон-дили билан ҳимоя қилишга тайёр туради.

Шу маънода, сизлар тинч, эркин ва фаровон ҳаётимизга гаровсизлар, десак, ўйлайманки, муболага бўлмайди. **"Тадбирқор — элга мададқор"** деган нақлда чуқур маъно бор.

Лекин шундай катта масъулиятни зиммасига олган тадбирқорнинг ўзига ким маддқор?

Агар қайси ҳоким ўзи худудини гуллаб-яшнаб, тараққий топишини истаса, аввало, тадбирқор ва яна бир бор тадбирқорга чинакам маддқор бўлиши керак.

Шу муносабат билан, илгари айтган сўзимни яна бир бор такрорлашни зарур, деб биламан.

Хурматли тадбирқор ва ишбилармонлар, ҳеч нарсадан чўчимаганг. Билинг, ортингизда Президент турибди!

Бугун сизлар билан муҳокама қилган барча масалалар бўйича бир ҳафта ичида катта Фармон қабул қилинади.

Парламентимиз раҳбарларидан кўтарилган масалалар бўйича қонун лойиҳалари киришини кутиб ўтирмасдан, депутатлардан иборат гуруҳлар тузиб, ҳужжатларни ишлаб чиқишга тезроқ киришишларини сўраймиз.

Бош вазирга ҳам ҳукумат қарорларини тезроқ қабул қилиш топширилади. Бу ишларнинг амалдаги ижроси устидан қаттиқ назорат тизими бўлади.

Савдо-саноат палатаси (Ваҳобов), Бизнес омбудсман (Қосимов) фаолияти йўлга қўйилган мулоқот платформасида ҳар ҳафта битта соҳадаги муаммоларни тадбирқорлар билан муҳокама қилади.

Бунда масъул ҳукумат аъзолари ва вилоят ҳокимлари ҳам қатнашиши шарт. Кўтарилган масалалар ечимларини Бош вазир А. Арипов ҳар ўн беш кунда кўриб чиқадди, катта лойиҳаларни амалга ошираман, деган тадбирқорларни шахсан ўзи қабул қилади ва ҳукуматдан унга ёрдам берадиган раҳбарни бириктиради.

Ўзим ҳам ҳар ой биттадан соҳа вакиллари ва ийрик инвесторлар билан бевосита учрашаман.

Сўзимнинг охирида ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, ютуқ ва омадлар тилаб қоламан.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ ДАРВОЗАСИ

Устав капитали камида 50 миллион сўм бўлган микромолия банклари ташкил этиш мумкин бўлади. Шунингдек, микромолия ташкилотлари учун қўшимча имкониятлар яратилиб, тадбирқорларга хорижий валютада хизмат кўрсатиш ва лицензия асосида тўлов ташкилоти сифатида фаолият юритишга руҳсат берилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Президентининг шу йил 12 августдаги Фармонида мувофиқ, факторинг ташкилоти учун кенг йўл очилди. Энди улар хорижий валютада ҳам хизмат кўрсатади. Бу бўйича электрон платформани шартнома асосида тадбирқорлар ўзига қулай молиявий маҳсулотни танлаш имкониятига эга бўлади. Умуман, факторинг оммалаштириш ҳисобидан тадбирқорларга айланма учун 20 триллион сўм, экспортчи корхоналарга 1 миллиард доллар қўшимча молиявий ресурслар пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ислом молиясига доир қонун ишлаб чиқиладди. Бу янги молиявий хизматлар тақдими этилиши, кўп инвесторлар кириб келиши ва 5 миллиард долларлик қўшимча ресурс пайдо бўлишига туртки беради.

Бешинчидан, давлат жалб қилган маблағларни йирик корхоналарга бериш амалиётидан босқичма-босқич воз кечилади. Бундай маблағларни бериш икки йил ичида камида 40 фоизга қисқаради. Банклар бунинг ҳисобидан камида 30 триллион сўмни хусусий бизнесга йўналтиради.

Иккинчи йўналиш — бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш.

Очиқ мулоқот доирасида келиб тушган 2 мингта мурожаат ер ва инфратузилма билан боғлиқ. Янги инвестиция лойиҳаларида ер сотиб олиш ҳаражатлари кескин осяпти. Шу боис энди тадбирқор аукциондан ер сотиб олганда, унга қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш бекор қилинади. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида сотилган ер бўйича харид суммасини уч йилгача, қолган ҳудудларда беш йилгача, 4 ва 5-тоифа туманлар учун эса ўн йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга руҳсат берилади.

Иккинчидан, энди янги ерларни ажратишда биноларни лойиҳалашдан объектни топширишгача бўлган муддатлар мажбурий қисқарилади.

Учинчидан, ҳар бир ер участкаси учун асосий фаолият турини қайсиликларга алмаштириш мумкинлиги, қандай ёрдамчи иншоотларни жойлаштири олиши аниқ белгилаб берилади. Бунинг учун 1 янвاردан ер участкалари ва капитал қурилиш объектиларининг ягона классификатори жорий этилади.

Тўртинчидан, саноат корхоналарига электр ва табиий газ бўйича чекловлар қисқартирилади. Яъни электр ва газ истеъмоли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам, базавий тариф сақланиб қола-

ди. Агар истеъмол 20 фоиздан ўтиб кетса, ошган қисмига тўлов 20 фоиз қимматлашади. Шунингдек, энди "инкассо" бўлганда ҳам, коммунал хизматларга қўшимча қўйилмайди.

Учинчи йўналиш — ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташкил бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.

Шу мақсадда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни давом эттирилиб, рақобат ривожлантирилади. Бу борада металлургия, кимё, энергетика ва телекоммуникация тармоғида эксклюзия ҳуқуқлар бекор қилинди. Энди корпоратив харидларда ишлаб чиқариш учун олинадиган маҳсулотларга ҳам нарх устуворлиги бекор қилинади. Бундан буён, ҳеч қандай алоҳида ҳуқуқ бўлмайдди, ҳоҳ давлат стратегик корхонаси бўлсин, ҳоҳ хусусий корхона ёки хорижий инвестор бўлсин, иқтисодиётда барча тенг шароитда ишлайди.

Иккинчидан, тармоқларни ривожлантиришга берилган маблағдан 200 миллион доллар экспортдоли молиялаш учун йўналтирилади. Шундан 50 миллион доллар банк кредитлари учун қайрилиб берилади. Бу маблағлар ҳисобидан бир йил ичида қўшимча 1 миллиард доллар экспорт бўлади.

Учинчидан, юк ташиш бўйича "Е-логистика" платформаси ишга туширилиб, экспортчилар учун қайси корхонада қанча руҳсатнома борлигини кўриш, тўртдан-тўртга шартнома тузиш имкони яратилади.

Тўртинчидан, энди четдан ускуна ва бутловчи қисм олиб келишда, шартнома муддати бузилмаса, муддати ўтган қарздорлик бўлмайди. Бундан буён, боғжона органининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти қўшилган қиймат солиғини қайтариш учун асос бўлади, бошқа ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Бешинчидан, чет элда бизнес қилиб, катта тажриба орттирган ватандошларимиз билан экспортчи корхоналар ҳамкорлиги кенгайтирилади.

Олтинчидан, давлат харидида маҳаллий маҳсулот улушини ошириш рағбатлантирилади. Жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё, металлургия, темир йўл каби тармоқлардаги йирик корхоналар 2-3 йиллик буюртмаларини кооперация порталига олдиндан жойлаштирилади. Маҳаллий корхоналар эса ушбу буюртмалар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Уларнинг лойиҳаларига дастлабки босқичда 100 миллион доллар йўналтирилади.

Еттинчидан, худудий электр тармоқлари бошқарувига хусусий сектор жалб этилади. Хусусан, октябрда Самарқанд вилоятидаги электр тармоқларига хусусий оператор жалб қилиш бўйича тендер эълон қилинади. Келгуси йил Жиззах ва Сирдарёда ҳам худди шундай ишлар амалга оширилади.

Саккизинчидан, йил якунигача яна 300 та кон ва майдонлар тадбирқорларга таклиф қилинади. Қурилишда қум-шағалга эҳтиёжни қоплаш мақсадида 110 миллион куб метр захирали 172 та кон ҳам тадбирқорлик учун ажратилади.

Тўртинчи йўналиш — хизматлар соҳасига янги туртки бериш.

Ўзбекистонда банд аҳолининг 52 фоизи хизматлар соҳасида ишлаяпти. Энди барча жабҳада сунъий интеллект технологиялари кенг жорий қилинади. IT-паркда сунъий интеллект маркази очилади. Лойиҳаларни молиялаштириш учун 50 миллион доллар ажратилади.

Иккинчидан, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш экотизими яратилади. Бунинг учун венчур жағғармалар фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, стартап хориждан олиб келган ҳар 1 доллар инвестицияга давлат ҳам 1 доллар ресурс ажратади. Стартап ишланмаларини патентлаш ва савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш каби ҳаражатларни давлат қоплаб беради.

Учинчидан, хизматларни маҳаллийлаштириш мақсадида бир йил ичида 3 минг мутахассис Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Туркиядаги ишлаб чиқарувчи компанияларга малака оширишга юборилади. Йирик корхоналарга сервис кўрсатишда маҳаллий корхоналар иштирокчини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилади.

Тўртинчидан, 1 январдан умумий овқатланиш корхоналарига қўшилган қиймат солиғининг бир қисми тадбирқорга "қашбек" сифатида қайтариб берилади. Бундай солиқ тўлашга ўтган ресторан ва кафеларга фойда солиғи 2 қарра қамаяди. Бундан ташқари, 1 декабрдан бу корхоналар нақд пулга сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қирим қилишда ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Ресторан ва кафелар ишчилар билан қисқа муддатли, соддалашган меҳнат шартномасини тузиш, ишлаши мумкин бўлади.

Бешинчидан, энди 1 октябрдан, худди Тадбирқорлик рейтингини каби, "Шаффоф қурилиш" тизимини тадбирқорларнинг ўзи юритади. Консалтинг марказлари функциялари тўлиқ хусусий секторга ўтказилади.

Бешинчи йўналиш — бизнес учун тўсиқ ва ғовларни янада қисқартириш.

Биринчидан, тадбирқорлик учун тўсиқларни бартараф этиш мақсадида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий ҳавф солувчи мезонлар реестри ишлаб чиқиладди. Унда йўқ мезон бўйича тадбирқор фаолиятини тўхтатган мансабдор жавобгарликка тортилади.

Иккинчидан, тадбирқорларни жиноий жавобгарликка тортиш янада либераллашади.

Учинчидан, энди кредит қайтмасга, гаровдаги мулкни савдога чиқаришдан олдин, унинг ҳозирги бозор қиймати аниқланади. Қайтмаган қарздорлик гаров

қийматининг 15 фоизидан кам бўлса, ундирув мулкка қаратилмайди. Банк мижозига қарзни бошқа манба ҳисобидан қоплашга имкон беради.

Тўртинчидан, энди ер савдосидан тушган маблағлар, аввало, бино бузилиши бўйича тадбирқорлардан қарзни сўндиришга қаратилади.

Президент бу йилги очиқ мулоқот айнан Қорақалпоғистонда ўтказилаётганига эътибор қаратиб, бу ерда тадбирқорлик қилиш афзаллигини айтди. Хусусан, Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудга йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар берилган. Қорақалпоғистонда ер ажратишнинг содда тизими жорий этилган. Бу ҳудуд катта бозорларга чиқиш учун ҳам қулай. Ушбу имкониятларни самарали ишга солиш мақсадида "Қорақалпоғистонда бизнес қилинг" дастури қабул қилиниши таъкидланди.

Тадбир очиқ мулоқот тарзида давом этди. Марказий ва худудий студиялардан қатнашган тадбирқорлар, чет элларда ўз бизнесини очган ватандошларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Муаммолар муҳокама қилиниб, таклифлар қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги "Оққуш" мажмуасида ташкил этилган ўтовлар кўргазмасини кўздан кечирди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари 2022 йилда ҳудудга ташрифи чоғида кўрсатма берган эди. Шу асосда эллик гектардан ортиқ майдон янада обод қилиниб, қўллаб-қувватлаш барпо этилди. Энг катта ўтовнинг диаметри 42, баландлиги 22 метр. Унда маъмурият, ошхона ва бошқа хоналар мавжуд. Бу ерда турли маданий тадбирлар, форумлар ўтказиш мумкин. Мажмуада қорақалпоқ, қозок, туркман, қирғиз, бошқирд каби туркий халқларнинг ҳамда Қорақалпоғистон туманларининг ўтовлари ташкил этилган. Уларда қардош элларимиз тарихи, маданияти ва турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Президентимиз ушбу ўтовларни кириб кўрди.

— Бизнинг томиримиз, тақдиримиз кўп. Мана шундай тадбирларни кўпайтириб, биргаликда фестиваллар ўтказиб, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш керак. Миллий хоналарни асраб, ёш авлодга етказиш, бу бўйича шогирдлар тайёрлаш, болалар учун ўз она тилида китоблар чиқаришни кенгайтириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Боғда сунъий қўл, оролча ва меҳмонхона ҳам бор. Булар қисқа даврда мазкур масканни туризм манзилларидан бирига айлантирди. Ўтовлар, миллий қийим ва буюмларга сайёҳлар катта қизиқиш билан қарамоқда.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,
И. АБВАЛБОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**

ПАРТИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТГАН ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

Сайлов қонунчилигига кўра, Марказий сайлов комиссияси томонидан Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этувчи сиёсий партиялар тақдим қилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳини тузиши ҳамда беш кунлик муддатда текшириб чиқиши белгилаб қўйилган.



Шундан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йил 10 август кунини "Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш тўғрисида" қарор қабул қилинган эди.

Эксперт гуруҳи аъзолари таркибига Ички ишлар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг Хужжатлар криминалистик экспертиза лабораториясининг хатшунос экспертлари, Тошкент давлат юридик университети, шунингдек, фуқаролик ҳаёти институтлари вакиллари жалб этилди.

Ушбу эксперт гуруҳлари томонидан Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан, сиёсий партияларнинг қўллаб-қувватловчи имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини, имзоларнинг ҳақиқийлигини текшириш жараёни бўлиб ўтди. Имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳам иштирок этди.

Эксперт гуруҳлари томонидан текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий ҳудудий тузилмадан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан тенг нисбатда танлаб олинди.

Эксперт гуруҳи аъзолари имзо варақасининг тўғри тўлдирилганлигига, тузатиш-

ларга йўл қўйилганига, ўчириб ёзилган тузатишлар ва ўхшаш имзолар борлигига, турли шахслар томонидан тўлдирилганига, тасдиқланган тузатишлар мавжудлигига эътибор берган ҳолда ҳар бир имзо варақасини кўздан кечирди.

Визуал текширувда қўсонлар ёки шубҳали ҳолатлар аниқланган имзо варақаларни пухтароқ текшириш учун саралаб олиниб, соҳанинг профессионал мутахассислари бўлган криминалист, хатшунос экспертлар томонидан тузатишларни катталаштириб кўрсатувчи махсус асбоблар ёрдамида диққат билан текширилди.

Агар МСК томонидан танлаб олинган имзо варақаларини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилгани аниқланса, мазкур им

МАҲАЛЛА — МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА БИРИНЧИ БЎҒИН

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссия раиси Толибжон Мадумаров Фарғона вилоятининг қатор туманларида бўлиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти билан танишди, учрашув ва мулоқотлар ўтказди.

роси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан кизиқди.

Учрашувларда асосий эътибор мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар, ёшлар фаолиятини ошириш, ишсизликни қисқартириш борасида қилинаётган ишлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятини таҳлил этиш, уларнинг "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилди.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан

биринчи ярим йиллик таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифаларга бағишланган йилгиликда қўрилган аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш максатидан сенатор Т. Мадумаров халқ депутатлари Фарғона вилояти ва шаҳар Кенгашлари билан бирга қўшма тадбир ўтказди.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Сенатнинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев Хоразм вилоятида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ишсизликни қисқартириш борасида қилинаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Учрашув

Сенатор "маҳалла еттилиги" вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада давлат раҳбари томонидан яратиб берилган қўлайликлар, аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, шунингдек, жойларда аниқланган

муаммоларнинг тезкорлик билан ҳал этилишига қўмаклашиб бориш юзасидан тушунтиришлар берди.

Шу билан бирга, сенатор фуқаролар мурожаатига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хоразм вилояти Халқ қабулхонаси биносида навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Жараёнда 20 нафардан ортиқ фуқароларнинг муаммолари, талаб ва истаклари, фикр-мулоҳазалари бирма-бир тингланди. Мурожаат-

ларнинг асосий қисмини уй-жой, моддий ёрдам, даволаниш, субсидия ажратиш, кредит тўловлари, ишдан асоссиз равишда бўшатилганик, ер ажратиш ҳамда фуқароларнинг суд қарорларидан қаноатланмагани билан боғлиқ масалалар ташкил этди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал қилинган бўлса, кўриб чиқиши вақт талаб этувчи мурожаатлар алоҳида назоратга олинди.

Сенатор ҳар бир мурожаатни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда натижаси бўйича ўз вақтида қонуний қарор қабул қилиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъул раҳбарларга тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиш тартибининг такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига янада қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг фумигацияси бўйича фаолиятни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳалари атрафлича кўриб чиқилди.



да белгиланган паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлигини либераллаштириш тақлиф этилмоқда.

Жумладан, ўн саккиз ёшга бўлган, олтимиш ёшдан ошган ёки тўлиқ давлат таъминотида бўлган, жазони ижро этиш маънасида жазони ўтаб чиққан, шунингдек, фавқулодда вазиятлар, турар ёки нотуражойларнинг ёниши, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши каби ҳодисалар рўй берганлиги натижасида жабрланган шахслар эндиликда паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиқдан тўлиқ озод этилади.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонларини рўйхатда олиш тартибини ягона ёндашув асосида ислоҳ этишга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

АКТ ёрдамида содир этилаётган фирибгарликларнинг олди олинади

Мажлисида кун тартибидagi навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир қилинаётган фирибгарликлар, шунингдек, янги турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишни янада кучайтириш ва бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга қаратилган. Ушбу лойиҳа тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини махсус ваколатли давлат органи томонидан харид қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ солишдан ва божхона тўловларини тўлашдан озод этиш орқали зарур бўлган техник воситаларни тезкорлик билан харид қилишга шароит яратишни назарда тутди.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдирди. Лойиҳанинг долзарблиги ва муҳимлигига эътибор қаратиб, қонун

ташаббускорларидан айрим нормалар бўйича асосланган тушунтиришлар сўради.

Шундан сўнг ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Янги имконият ва рағбатлар

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мажлисида биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларни аниқлаш ва қўшимча рағбатлан-тиришни назарда тутувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш белгиланган.

Хусусан, юқори барқарорлик рейтингининг "AAA" тоифасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувларини ўтказмаслик, ушбу тадбиркорлик субъектларига қўшилган қий-мат солиғи суммаси ўрнини қоплашни бир кун муддатда текширувларсиз амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, "А" ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғидан бошқа барча солиқлардан мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтаришни уч кун муддатда амалга ошириш белгилаб қўйилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янада қўлай шарт-шароитлар яратди ҳамда айрим бюрократик тартиб-таомилларни бекор қилишни қонунийлаштиради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Фумигация фаолиятига хусусий сектор жалб қилинади

Мажлисида "Экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг фумигацияси бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензиялашни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги

қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан экспортга чиқариладиган карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) фаолиятида рақобат муҳитини шакллантириш ва мазкур тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, фумигация фаолиятининг атраф-муҳитга ва фумигация қилинаётган маҳсулотга таъсири кам бўлган усулларини жорий этиш максатида фитосанитар зарарсизлантириш хизматларини хусусий секторга ўтказиш назарда тутилмоқда. Карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) фаолиятини лицензиялаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши, лицензиялаш билан боғлиқ ваколатлар эса Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига берилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат божлари адолатли ундирилиши зарур

Депутатлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини обдан муҳокама қилиди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан янги маъмурий-ҳудудий бирликлар тузилиши ёки уларнинг чегаралари ўзгариши натижасида қайта давлат рўйхатидан ўтказишда тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларни тегишли давлат божидан озод этиш тартиби белгиланмоқда.

Яъни "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддаси "янги маъмурий-ҳудудий бирликлар тузилиши ёки тугалиши, уларнинг чегаралари ёки бўйсунуви ўзгариши натижасида тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг жойлашган жойи (почта мазилли) ўзгарганда, уларни қайта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди" мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолатидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, давлат божларининг тўғри ва адолатли ундирилишини таъминлайди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари

Мажлисида депутатлар озиқ-овқат хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан соҳада қўлланиладиган асосий тушунчаларга

таъриф берилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлат томонидан тартибга солиш қоидалари белгиланиб, унда Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларига аниқлик киритилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат мудофаа бююртмаси: мақсад ва вазифалар

Мажлисида депутатлар томонидан "Давлат мудофаа бююртмаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси давлат мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тадбирлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган давлат мудофаа бююртмаларига оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

У билан давлат мудофаа бююртмаси соҳасидаги асосий тушунчалар, давлат мудофаа бююртмасининг мақсади ҳамда вазифалари, соҳани давлат томонидан тартибга солиш, уни шакллантириш ва бажариш ҳамда махфийлик тартибини белгилаш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ягона ҳуқуқий механизми яратилиб, давлат мудофаа бююртмасини шакллантириш, келишиш ва бажариш соҳасида давлат органларининг аниқ ваколатлари белгилаб берилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Махфийлаштирилмайдиган маълумотлар рўйхати

Қонунчилик палатаси мажлисида "Давлат сирлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида давлат сирларини ҳимоя қилиш соҳасидаги органлар ваколатлари, махфийлик даражалари, маълумотларни махфийлаштириш муддатлари, давлат сирларидан фойдаланишга рухсатнома бериш каби масалалар аниқ белгилаб берилмади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан давлат сирларига киритилган маълумотларнинг 4 та тоифадан иборат чегараланган рўйхати тасдиқланмоқда. Махфийлаштирилмайдиган маълумотлар рўйхати белгиланмоқда. Унга қўра фавқулодда вазиятлар, жиноятчилик ҳолати, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва шу каби бошқа маълумотлар махфийлаштирилиши мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлатимизнинг очкиклик сиёсатини янада кенгайтиришга ҳамда давлат сирларини ишончли ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбек миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари Будапештда ўтказилган халқаро ярмаркада эътироф этилди.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, featuring contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code for digital access.